



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 31 октябрь, № 231 (8574)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ДОИРАСИДАГИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
30 октябрь куни Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) бош котиби
Кубаничбек Омурралиевни қабул қилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги доирасида биргаликда амалга оширилган ишлар натижалари ва унинг бўлажак саммитига тайёргарлик кўриш масалалари кўриб чиқилди.

Ўтган даврда туркий давлатларнинг кўп томонлама шериклиги янги суръат билан ривожланганини таъкидлаш жоиз. Юздан ортиқ тadbирлар ўтказилди, амалий ҳамкорлик учун қатор янги майдонлар ташкил этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Халқаро туркий маданият ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Учрашувда ТДТ доирасида савдо, "яшил" иқтисодиёт, инвестициялар, инновациялар, транспорт ва логистика, туризм, экология, ёшларга оид сиёсат, туркий халқларнинг маданий ва тарихий меросини оммалаштириш соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ў.А.

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ВА ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев
30 октябрь куни Тошкент шаҳрида
куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик
кўриш, транспорт инфратузилмасини
яхшилаш бўйича олиб борилаётган
бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари
билан танишиш мақсадида қатор
объектларга ташриф буюрди.

Об-ҳаво нуқулалликлари ва ҳарорат пасайиши даврида инфратузилма объектларида муаммо келиб чиқишининг олдини олиш, йўлларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш каби вазифалар бугунги кунда ўта долзарб аҳамиятга эга бўлиб, бу масалалар Президентимизнинг доимий диққат марказида турибди.

Давлатимиз раҳбари мазкур йўналишлардаги ишларнинг бориши ҳамда бунёдкорлик жараёнлари билан танишувни Тошкент халқаро аэропортига олиб борувчи йўл-тўқатқичдан бошлади.

Маълумки, бу кўприк Бобур кўчаси бўйлаб Кичик ҳалқа йўли ва темир йўл устидан ўтади. Автомобиллар қатновига қулайликни ошириш мақсадида бу ерда аввалги кўприкка ёндош яна бир эстакада қурилмоқда. У йиғма монолит услубида бўлиб, сифат талабларига мос.

Қурилиш биттач, кўприкнинг эни 46 метрга етади. Бир кеча-кундузда 20 минг транспортни ўтказиш имкониятига эга бўлади. Илгари бу кўрсаткич 9-10 минг атрофида эди.

Кўприк ёнида 2 та айлана, 4 та ёйсимон шаклдаги чиқиш-тушиш йўли барпо этилмоқда. Бу қайрилиб олиш хавфини йўқотиб, бошқа йўллардаги ҳаракатга қўшилишни осонлаштиради. Шунингдек, кўприк устида пидедалар ва велосипедлар йўлақлари ҳам кенгайтирилди.

Президент бу ердаги қурилиш жараёни билан танишди. Туташ йўлларда ҳам пидедалар ва автомобиллар ҳаракатига қулайликларни ошириш, атрофни кўкаламзорлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Транспорт инфратузилмасида ҳаво портлари страте-

гик аҳамиятга эга. Бу соҳада "Uzbekistan Airports" акциядорлик жамияти тузилиб, аэропортлар босқичма-босқич модернизация қилинмоқда.

Сўнгги йилларда Тошкент халқаро аэропортининг 2-терминали янгиланиб, ўтказиш қуввати 2 баробар оширилди. Жорий йил бошида яна бир учиб кетиш зали таъмирланиб, қайта очилди. Унда "Duty Free" дўконлари, "Арт-базар" савдо мажмуаси, миллий заргарлик ва гастрономия дўконлари, дорихона, она-бола хонаси, намозхона ташкил этилди.

Умуман, уч йиллик реконструкция ишлари натижасида пойтахт аэропортининг жўнаб кетиш терминали майдони 56 минг квадрат метрдан 80 минг квадрат метргача кенгайди.

Айни кунларда яна бир халқаро терминал реконструкция қилинмоқда. Лойиҳага кўра бионинг ташқи ва ички кўришни миллий услубда пардозланади, кириш-чиқиш йўлақлари кенгайтирилади. Меҳмонларни кутиб олиш ва уларга хизмат кўрсатиш учун қулайликлар оширилади. Шунингдек, терминалга ёндош худудлар ободонлаштирилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кеңирди. Йўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш ва теъкорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, мутасаддиларнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳа объектларининг куз-қишга тайёргарлик ҳолати бўйича ҳисоботи тингланди. Бу борадаги ишларни жадаллаштириш ва сифатли янқулаш юзасидан аниқ топшиқлар берилди.

Ў.А.

МАДАНИЯТ ВА ТУРИЗМ Йўналишларидаги Алоқаларимиз МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева
28 октябрь куни Хитой Халқ Республикаси маданият
ва туризм вазирлиги Ху Хэпин бошчилигидаги
делегацияни қабул қилди.

Мулоқот

Суҳбат давомида савдо-иқтисодий ҳамкорликни, парламентлараро мулоқот ва маданий-гуманитар алоқаларини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз етакчиларининг мустаҳкам дўстлиги ва сиёсий иродаси тўғрисида Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари стратегик шериклиги даражасида жадал ривожлантирилган алоҳида қайд этилди.

Маълумки, икки давлат ўртасида 2023 — 2027 йилларга мўлжалланган янги даврдаги ҳар томонлама стратегик шерикликни ривожлантириш дастури ҳамда умумий қиймати 25 миллиард доллардан зиёд бўлган янги юқори технология санъат, савдо ва инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Суҳбат чоғида парламентлараро алоқаларга эътибор қаратилиб, у мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашнинг муҳим механизми экани айтиб ўтилди. Олий Мажлис ва Бутунхалқ халқ вакиллари кенгаши ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада жа-

даллаштириш учун барча имконият мавжудлиги, айниқса, маданият ва туризм йўналишларида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш лозимлигига ургу берилди.

Ўзбекистон ва Хитойни Буюк Ипак йўли бўйлаб узвий тарихий ришталар боғлаб туради. Маданият, анъана, менталитет ва кадрларнинг ўхшашлиги ҳам бирлаштиради. Шу нуқтаи назардан, томонлар халқлар ўртасидаги яқин маданий ҳамкорликни ҳамда туризмни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Мамлакатларимиз умумий тарихини ўрганиш бўйича қўша илмий лойиҳаларни амалга ошириш, "Ипак йўли" жамғармаси кўмагида икки давлат шаҳарлари ўртасида сайёҳлик йўлақини шакллантириш борасидаги дастурни ишга тушириш ва кейинчалик унга Марказий Осиёнинг бошқа давлатларини ҳам жалб қилиш таклифи илгари сурилди.

Учрашувда Хитойда Ўзбекистон маданият кунларини, ўз навбатида, юртимизда Чин юрти маданият кунларини тез-тез ўтказиш ҳамда маданият марказлари фаолиятини жонлантиришга қўшилди.

«Халқ сўзи».

РИГА ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФАХРИЙ КОНСУЛЛИГИ ОЧИЛДИ

27 октябрь куни Рига шаҳрида мамлакатимиз элчиси Қадамбай Султонов, Латвия Ташқи ишлар вазирлиги давлат котиби ўринбосари Анжей Вилумсон, давлат идоралари ва бизнес вакиллари иштирокида Ўзбекистон Фахрий консулликнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Биз ва жаҳон

Ригадаги Ўзбекистон Савдо уйи раҳбари, «Outdoor Media» компанияси асосчиси ва директори Владимир Гальперин мамлакатимиз фахрий консули этиб тайинланди. Тантанали тadbирда унга тегишли консуллик патенти топширилди.

Бу Ўзбекистоннинг Балтия давлатлари ботиқларида биринчи Фахрий консулликдир.

Янги фахрий консул Латвияда бўлиб турган Ўзбекистон фуқаролари-

нинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қўмақлашиш, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, латвиялик сармоядорлар ва сайёҳларни республикамизга жалб этиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг Латвия ва бошқа Балтия давлатлари ботиқларида экспортини қўлайлаштириш жараёнида фаол қатнашиди. Шунингдек, меҳнат миграциясини тартибли ташкил

қилиш, маданий-гуманитар ва бошқа алоқаларни ривожлантиришга қўмақлашади.

Маросимда Рига шаҳрида Ўзбекистон Фахрий консулликнинг очилиши ҳамда Тошкентда Латвия инвестициялар ва тараққиёт агентлиги ваколатхонасининг фаолият бошлаши Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги савдо-сармоявий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик асосларини мустаҳкамлашга қатнашган ҳисса қўшиши алоҳида таъкидланди.

Ҳозирги кунда хорижда Ўзбекистоннинг 30 га яқин Фахрий консулликлари фаолият кўрсатмоқда.

«Дунё» АА.
Рига

МУЗАФФАР СПОРТЧИЛАРИМИЗ ЭЛУ ЮРТИМИЗ АРДОҒИДА

Hangzhou 2022 Asian Para Games

Шу йилнинг 23 сентябрь — 8 октябрь кунлари Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида бўлиб ўтган XIX ёзги Осиё ўйинларида ўзбекистонлик атлетлар 22 олтин, 18 кумуш, 31 бронза — жами 71 медални қўлга киритиб, мамлакатимиз спорти тарихида янги саҳифа очишган эди.

22 октябрь — 28 октябрь кунлари ушбу кентда бўлиб ўтган IV Параосиё ўйинларида ҳамюртларимиз ана шу яхши анъанани давом эттиришди. Ушбу нуфузли мусобақада мамлакатимиз делегацияси 25 та олтин, 24 та кумуш ва 30 бронза — жами 79 та медал жамғаришга муваффақ бўлгани ҳар биримизга чексиз фахр ва ифтихор туйғуларини бағишлади. Қолаверса, бу ўзбекистонлик параатлетларнинг Параосиё ўйинларида қўлга киритган энг яхши натижаси ҳам ҳисобланади.

Халқаро аренада юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган музаффар спортчиларимиз 29 октябрь куни Ислам Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди.

...Баъзан ҳаёт зарбалари, ташвишлари олдига ўзимизни ожиз ҳис қиламиз, тушқунлик ҳисси бизни ўз "бағрига олади". Натijaда ҳаётдан нолийимиз, дунёни адолатсизликда айблаб бошлаймиз. Бироқ матонат, сабр-бардоши билан инсон — ҳар қандай оғир дамда ҳам ўзлигини йўқотмагани билан азиз ва шариф. Ана шундай одамийликнинг оқсак намунасини кўрсатган кишилар фақат афсоналарда, қадим

мозий қатларида ёхуд эртақларда эмас, сизу бизнинг ёнгинамизда, замондошлар орасида ҳам мавжуд. Ханчжоу ареналарида гарчи имконияти чекланган бўлса-да, бор куч ва маҳоратини ишга солган барча спортчимиз ана шундай эътирофга ҳар томонлама лойиқ ва муносибдир. Уларни ҳеч иккиланмасдан, "Имконсизликда имкон топганлар" дея ёзозлашимиз лозим. Негаки, бу қаҳрамонларнинг айримлари кенг йўлларда югуриш, яқин инсонларнинг қўлларидан тутиб, бағрига босиш имкониятидан маҳрум. Аммо улар эришган натижалар ҳар қанча таҳсинга лойиқ.



Сирожиддин ВОҲИДОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Хабар берилганидек, 28 октябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тар-

зида ўтказилган ялпи мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди. ➡ 2

➡ 4

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



Хосен ПАЙДЮЕВ олтин сурат.

Сенатнинг қирқ олтинчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва иқтисодийда соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва аҳоли саломатлигини сақлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмақда. Шу билан бирга, "Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати унун" тамойили асосида аҳоли саломатлигини таъминлаш мақсадида контрафакт ва сифатсиз товарларни ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг муомаласига қўйиладиган барҳам бериш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш зарурати юзага келмақда.

Ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларида жавоб бериладиган товарларни ўтказиш мақсадини қўллаб-қувватлаш мақсадида контрафакт ва сифатсиз товарларни ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг муомаласига қўйиладиган барҳам бериш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш зарурати юзага келмақда.

Шу билан бирга, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс санитария тўғрисидаги қонунчиликни ва ветеринария қонунчилигини бузганлик, ўзганинг товар бериладиган қонунга хилоф равишда фойдаланганлик ушбу жавобгарлик қўйиладиганлик, шунингдек, ҳайвонларнинг юқумли касалликларига ўқларни анкиланганда карантин қоидаларини, ветеринария дори воситаларини ва озқувчи қўшимчаларнинг хавфсизлиги нормаларини бузганлик унун маъмурий жавобгарлик белгиланишига қаратилган ўзгаришлар билан тўлдирildi.

Бундан ташқари, "Лицензиялаш, рўхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонунга ҳам бир қатор ўзгаришлар киритилмоқда. Хусусан, шахснинг муайян фаолият тури билан шуғулланиши унун суднинг

таъқиқ мавжуд бўлганда лицензияни ёки рўхсат этиш хусусиятига эга ҳужжат беришни рад қилиш унун асослар кенгайтирилмоқда.

Лицензияни ва рўхсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш ёки хабардор этиш тартибиде амалга ошириладиган фаолиятни (ҳаракатларни) суд томонидан тугатиш унун асос бўладиган бир марталик қўпол қондабузарлик аниқлаштирилмоқда.

Қолаверса, ваколатли органларга лицензия, рўхсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этилишига оид текширувларни Президент ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вақилини хабардор этган ҳолда қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказиш ҳуқуқи берилишини назарда тутуви ўзгариши ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш мақсадида Фўқаролик кодексига географик кўрсаткичлар ҳам интеллектуал мулк объектлари ҳисобланиши тўғрисидаги норма қўшилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши фўқаролар соғлигини сақлашга, ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳамда интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя этишга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар томонидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига деҳқон ҳўжалигини юритиш унун ажратиладиган ер участкаларининг ўлчамини оширишга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун қўриб чиқилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Қонунга ҳамда Ер кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, қонунда Қорақалпоғистон Республикасида чорва озқуқаси экинларини етиштириш мақсадида деҳқон ҳўжалигини юритиш унун 0,06 гектардан 5 гектарга ер ажратиб берилиши белгиланмоқда.

Сенаторлар томонидан ушбу қонун муҳокама жараёнида Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчиларни қўллаб-қувватлашга ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун муҳокама қилинди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Қонунга мувофиқ қўриқлаш фаолияти соҳасига тегишли айрим қонун ҳужжатларини мувофиқлаштириш мақсадида Миллий гвардия томонидан ишлаб чиқилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Қонунга мувофиқ қўриқлаш фаолияти соҳасига тегишли айрим қонун ҳужжатларини мувофиқлаштириш мақсадида Миллий гвардия томонидан ишлаб чиқилган.

Таъкидланганидек, Сенатнинг йигирма бешинчи ялпи мажлисида "Қўриқлаш фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонун сенаторлар томонидан маъқулланиб, 2022 йил июнь ойида давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган эди.

"Қўриқлаш фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонундан келиб чиққан ҳолда "Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида"ги, "Фўқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунларда ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга акс этган "ҳарбийлаштирилган соқчил" тушунчаси "ҳарбийлаштирилган қўриқлаш" тушунчаси билан ўзгаририлмоқда.

Сенаторлар муҳокама жараёнида ушбу қонуннинг қўриқлаш фаолияти соҳасидаги тушунчаларнинг аниқ ва бир хил қўлланилишига хизмат қилишини айтиб ўтдилар.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисида "Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этиш тўғрисидаги Битимни (Анкара, 2023 йил 16 март) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун қўриб чиқилди.

Ҳўжажат кўра Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари Ўзбекистон Республикасининг Туркий инвестиция жамғармасидаги улўшини Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этиш тўғрисидаги Битимда (Анкара, 2023 йил 16 март) назарда тутилган мuddатларда шакллантириш, шу жумладан, унинг бошланғич капиталидаги 2000 та акцияга обуна бўлиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш манбаи эканлиги белгиланмоқда.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этиш тўғрисидаги Битимнинг баъорилиши унун масўл бўлган ваколатли орган этиб белгиланиб, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тегишли маблағларни ўтказиш бўйича бююртманомалар тақдим қилиб боради.

Туркий инвестиция жамғармаси доирасида ҳамкор давлатлар, жумладан, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркия билан инвестициявий лойиҳаларни, хусусан, электротехника, енгил саноат, автосаноат, чарм саноати, қурилиш материаллари соҳаларида қўшма саноат кооперацияси каби лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга хизмат қилади.

Жамғарманинг маблағлари минтақалараро савдо, қўшма лойиҳалар, "яшил" иқтисодиёт, ахборот технологиялари, транспорт, логистика ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга қаратилди.

Сенаторлар Битимни ратификация қилиш Ўзбекистонга янги муҳим молиявий механизмнинг тенг ҳуқуқли иштирокчисига айланиш имконини беришини, ундан эса ўзаро савдо айланмаси ҳажмини ошириш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида инвестиция лойиҳаларини илгари суриш, шунингдек, туркий давлатлар билан инфратузилма ва транспорт-логистика алоқаларини ривожлантириш унун фойдаланилишини таъкидладилар.

Сенаторлар қонунни маъқулладилар. Шу билан бирга, Сенатнинг қирқ олтинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вақили (Болалар омулдсмани) сайлаш тўғрисидаги масаласи қўриб чиқилди.

Сенат томонидан Раҳмонова Сурайё Махмудовани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вақили (Болалар омулдсмани) лавозимига сайлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Эслатиб ўтамиз, С. Раҳмонова узоқ йиллар мобайнида юридик олий таълим ташкилотларида, шунингдек, суд ва прокуратура органлари тизимида самарали фаолият кўрсатиб келган. 1-даражали адлия маслаҳатчиси, юридик фанлар доктори, профессор.

Ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги масала ҳам қўриб чиқилди.

Мажлисида сенаторлар томонидан ҳаётий ҳаётининг барча соҳаларни ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ишловлар самарадорлигини оширишга, халқро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 12 та масала, шу жумладан, 10 та қонун муҳокама қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ олтинчи ялпи мажлиси якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

Қонунчилик палатаси фракцияларида АЁЛЛАРНИНГ САЙЛОВЛАРДАГИ КВОТАЛАРИ ОШИРИЛМОҚДА. БУ ҚАНЧАЛИК МУҲИМ ВА ЗАРУР?

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга оид муҳим масалалар қўриб чиқилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятига ташири яқунларидан келиб чиқувчи устувор вазифалар қизгин муҳокама қилинди.

— Президентимизнинг ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривож билан танишиш мақсадида Қашқадарёга ташири катта воқелика айланди, — дейди ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Шахноза Холмаҳаматова. — Ушбу ташири воҳа аҳлига чексиз ифтихор бағишлаб, одамларни фаолликка чорлади, уларда эртанги кунга умид уйғотди. Сабаби давлатимиз раҳбари қаерга бормасин, ким билан учрашмасин, ўзаро мулоқотлар чоғида халқимизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатини билдиради. Таширидан пировард мақсад эса вилоятнинг 3,5 миллионлик аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш, оғирини енгил қилиш, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришдир.

Муҳокамалар давомиде сўз олган фракция аъзолари К. Эрғашев, Г. Худоберова ва бошқалар маъмурий таширининг аҳамиятли жиҳатларига тўхталиб ўтди.

Йиғилишида қўриб чиқилган кейинги масала — "Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Бир ҳуқуқ депутатлар ташаббуси асосида ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси билан Сайлов кодексининг 70 ва 91-моддаларига сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатилаётган аёллар сонининг энг кам миқдорини номзодлар умумий сонининг 30 фоизидан 40 фоизга оширишни назарда тутуви ўзгаришлар киритилмоқда.

ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари қонун лойиҳасининг аҳамияти ва заруратини эътиборга олиб, уни янада такомиллаштириш, пишиқ-пукта ҳолатга келтириш бўйича асосли таклифлар берди.

Қайд этиш жоизки, ушбу қонун лойиҳаси "Миллий тикланиш" ДП, "Адолат" СДП, "ЎзАДП, Экологик партия фракциялари йиғилишларида ҳам қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Қонун лойиҳаси ташаббусларидан бири, депутат Гулбахор Саидганиевнинг таъкидлашича, 2019 йилда қабул қилинган Сайлов кодексиде аёлларнинг сони сиёсий партиядан кўрсатилаган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида 30 фоиздан паст бўлмаслиги белгиланган. Ушбу йилги Қонунчилик палатаси депутатлигига бўлиб ўтган сайловларда депутатлик ўринларининг 32 фоизини аёллар ташкил этган. Мамлакатимиз тарихида илк бир миллий парламентада хотин-қизлар сони БМТ тавсияларига мос даражада етган ва Ўзбекистон бу борада дунёдаги 190 та миллий парламента орасида 37-ўринга кўтарилган. Шу нўқтаи назардан айтилганда, қонун лойиҳаси давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ролини янада ошириш, уларнинг сиёсат майдонидаги мавқени мустаҳкамлашга қаратилгани билан эътиборга молик.

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари аёлларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда тўлақонли иштирок этишини таъминлаш унун уларнинг вақили органларидаги улўшини янада ошириш мақсада мувофиқлигини қўллаб-қувватладилар. Шу билан бирга, айрим мулоҳазалар ҳам ўртага ташланди. Масалан, фракция аъзоси Жаҳонгир Абдурашулов номзодлар умумий сонининг 30 фоиздан 40 фоизга оширилишида ҳеч бир мантқ йўқлигини, айни кўрсаткичга етарли, муносиб номзодлар топилмас, бу шунчаки, номигагина номзодлар кўрсатилишига сабаб бўлишини қайд этди. Фракциянинг яна бир аъзоси Нодир Тилаволиев эса хотин-қизларга кенг имконият берилаётганини қўллаб-қувватлаб, уларнинг сиёсий фаолигини ошириш имкониятини, бу борада хориж парламентада аёлларга кенг ўрин ажратилиши яхши йўлга қўйилганини аниқ мисоллар орқали таъкидлаб ўтди.

Муҳокама давомиде фракция аъзолари қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда хорижий таъриба ҳам ўрганилганлиги сабаблари билан қизқиди.

Қонун ташаббусларининг маълум қилиниши, лойиҳани ишлаб чиқишда хорижий таъриба эътиборга олинган. Хусусан, бу борадаги кўрсаткич Италия, Бельгия ва Францияда 50 фоиз, Испания, Португалия, Хорватия, Словения, Греция ва Молдовада 40 фоиз, Польшада 35 фоиз, Грузияда 25 фоиз этиб белгиланган.

Фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аёлларнинг жамият ва давлат

Кеча ўтказилган Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг шу йил биринчи ярмидаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Сенат қўмитасида

Мажлисида сенаторлар, тегишли вазирлик ва идоралар вақиллари, экспертлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашалари доимий комиссиялари раислари, Ешлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари катнашди.

Қайд этилганидек, ҳисобот даврида вазирлик иштирокида 19 та хорижий мамлакатга оиди даражадаги амалий ва расмий таширилар уюштирилган, 38 та хорижий делегация билан учрашув ва музокаралар ўтказилган. Иқтисодий дипломатия йўналишида турли даражадаги 2,5 миңдан ортиқ икки томонлама музокара ва тадбирлар ўтказилиб, улар доирасида умумий қиймати 58 млрд. доллардан ортиқ инвестиция



ишларини бошқаришда ролини қўчатиришга йўл очилиши эътиборга олиб, уни маъқуллади.

"Адолат" социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида мамлакатимизда хотин-қизлар ҳўқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, турли соҳаларда ўз қобилият ва имкониятларини рўбга чиқариш бўйича изчил ишловлар амалга оширилаётгани алоҳида қайд этилди.

Тақдир қилинаётган қонун лойиҳаси эса "Адолат" СДП сайловиди дастурига ҳамоҳанг бўлиб, унда бу бўйича кенг миқёсдаги ишловларни изчилик билан амалга ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Муҳокамалар давомиде депутатлар партия позициясидан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси юзасидан ўз таклифлари, фикр-мулоҳазаларини билдирди. Лойиҳадаги айрим нормалар бўйича бир қатор саволлар ўртага ташланиб, қонун ташаббусларидан батафсил жавоблар олинди. Депутатлар томонидан маъмурий лойиҳасининг қабул қилиниши аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлашга ўзига хос замин бўлиши қайд этилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари бу борадаги хорижий таърибадаги мисолларга эътибор қаратди.

Таъкидлаб ўтилганидек, Европа давлатларида 40 — 50 фоиз кўрсаткичи ташкил этса, МДҲ давлатларида ҳам аёллар унун квоталар турлича — 25 — 30 фоиз атрофида белгиланган. Масалан, Россия, Беларусь ва Тожикистонда аёллар унун квоталар назарда тутилмаган. Арманистонда 25 фоиз, Қозоғистонда аёллар билан биргаликда 25 фоиз ва ноғиронлиги бўлганлар 30 фоиз, Қирғизистонда эса номзодларнинг қўли билан 70 фоизи бир жис вақили бўлиши мумкинлиги назарда тутилган.

Депутатлар қонун лойиҳасини муҳокамадан ўтказар экан, унинг муҳимлигини, энг аввало, янги тахрирда қабул қилинган Конституциянинг амалиётга самарали жорий этилишига хизмат қилишини таъкидладилар. Шу билан бирга, бугунги кунда жамият ва давлат ишларини бошқаришда аёлларнинг тўлақонли иштирокини таъминлаш унун уларнинг вақилилик органларидаги улўшини янада ошириш мақсада мувофиқлиги айтилди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида қайд этилганидек, мамлакатимизда эришилаётган турли соҳалардаги ижобий ўзгаришларда аёлларнинг ўрни ва ролни ортмоқда. Айниқса, таълим, тиббиёт, иқтисодиёт ва саноат каби давлат ҳамда жамият ҳаётининг муҳим соҳа ва тармоқларида хотин-қизларнинг улўши йилдан-йилга ошапти.

Экологик партиянинг дастурий мақсади ва вазифаларини баъориде ҳам хотин-қизларнинг иштироки янада ортиб бормоқда. Партияга эса фаол хотин-қизлар унинг "Аёллар қаноти"га бирлашган ҳолда ҳудудлардаги ижтимоий ҳимояга кўмек, эҳтиёманд аёлларга ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Фракция аъзоларининг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аёлларнинг жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришдаги ролини қўчатиришга, шунингдек, уларнинг сиёсий фаолигини оширишга йўл очди.

Йиғилишларда қизгин муҳокама қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси фракциялар томонидан маъқулланди. Турли муҳокамалар жараёнида турли мунозарали саволлар ўртага ташланди, айрим эътирозлар ҳам бўлди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида эса маъмурий қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»).

ИСЛОҲОТЛАРГА ЯНГИЧА СУРЪАТ БЕРАДИГАН МАСАЛАЛАР ТАҲЛИЛДАН ЎТКАЗИЛДИ

Олий Мажлис Сенати қирқ олтинчи ялпи мажлисининг иккинчи куниде ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган ишловларга янгича суръат бериши қўлаётган масалалар, жумладан, бир қатор қонунлар атрофида таҳлилдан ўтказилди.

Ушбу маъмурий қонунлар нимаси билан алоҳида ажралиб туради? Бу ҳусусда сенаторлар қуйидагича фикр билдирди.

Муносабат

Минтақавий савдо ва иқтисодий фаоллик қўллаб-қувватланади

Равшанбек АЛИМОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси:

— Бугунги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг тўб замирида дунёга очилиш, кенг қамровли халқро ҳамкорликни ривожлантириш тамойиллари ётади. Шу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар туфайли охириги йилларда Ўзбекистон дипломатияси салмоқли ютуқларга эришди, дейиш унун барча асосимиз бор. Бунни туркий тили давлатлар билан ўзаро ишонч руҳидаги ҳамкорлигимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ялпи мажлисида маъқулланган "Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этиш тўғрисидаги Битимни (Анкара, 2023 йил 16 март) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳам ана шу мақсада қаратилгани билан диққатга сазовор.

Едингизда бўлса, Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этиш гоёси 2019 йилда Боку шаҳрида бўлиб ўтган Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг 7-саммитида маъқулланган эди. Туркий кенгашининг 2021 йилдаги норасмий саммитида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан маъмурий жамғармани таъсис этишни жадаллаштириш ташаббуси илгари сурилди.

Шундай қилиб, 2023 йил 16 мартда Анкара шаҳрида Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этиш тўғрисидаги битим имзоланди. Унинг мақсади эса Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар уртасида минтақавий савдонини ва иқтисодий фаолигини қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодиётни ривожлантиришдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, маъмурий Битим Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар уртасида Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этиш ҳамда унинг ҳуқуқий мақомини белгилайди.

Битимда қуйидагилар назарда тутилган:

- жамғарманинг молиявий ресурсларини шакллантириш тартиби;
- жамғармани ташкил этиш ва бошқариш тартиби;
- жамғарма ресурсларидан фойдаланиш тартиби;
- жамғарманинг мuddати ва унинг аъзолигидан чиқиш тартиби.

Битимнинг ратификация қилиниши биз унун қатор имкониятлар беради.

Хусусан, халқро ва минтақавий ташкилотлар билан муносабатларда Ўзбекистоннинг ижобий имижини шакллантиришга хизмат қилади. Аъзо мамлакатлар уртасида тадбиркорликни рағбатлантириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий алоқаларини янада ривожлантиришга замин яратлади. Қолаверса, транспорт-логистика соҳасида Ўзбекистон унун долзарб бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, шунингдек, мамлакатлар уртасидаги саноат кооперациясини қўчурлаштиришга ёрдам беради.

Чорва учун озуқа базаси кенгайтирилади

Баҳодир ТОЖИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раиси:

— Сир эмас, бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш глобал масалага айланиб улғурди. Шундан келиб чиқиб, бошқа давлатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам кенг қўламли ишлар рўбга чиқариляпти.

Хусусан, қишлоқ ҳўжалигининг муҳим йўналишларидан бири бўлган чорвачилигини ривожлантиришга алоҳида урғу қаратиляпти. Соҳанинг барча тармоқларини бирдек ривожлантириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш ва аҳолини сифатли гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича зарур ташкилий чора-тадбирлар қўрилмақда. Бунда асосий эътибор аҳолига, жумладан, деҳқон ҳўжаликларига қаратиляётганини айтиш зарур. Бунинг сабаби оддий. Негаки, чорвачини аксарият қисми аҳоли хонадонлари, хусусан, деҳқон ҳўжаликларига ҳиссасига тўғри келади.

Табиийки, соҳада ўзига яраша муаммолар ҳам бор. Бугун чорва билан шуғулланувчиларнинг қайси биридан сураманг, озуқа базаси, яъни оддий айтилганда, ем-хашак тақчиллигидан шикоят қилади. Бор-зорида гўшт нархининг нисбатан юқорилиги ҳам кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Демак, озуқа базасини кенгайтириш ниҳоятда муҳим.

Сенаторлар томонидан маъ

ИНДУСТРИАЛ ЗОНАЛАРНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ ҚЎШИМЧА ҚИЙМАТ ЯРАТАДИ

Тараққий этган давлатларда саноат тармоқлари жозибадорлиги ортиб бораркан, иқтисодийнинг модернизация қилиниши, саноат мажмуаларининг жадал ишлаб чиқаришга самарали йўналтирилиши барқарор ўсишда локомотив вазирасини бажармоқда. Саноат мажмуаси тармоқлари мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш ва макроиқтисодий барқарорлиқни таъминлашда, экспорт салоҳиятини ошириш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш орқали қўшимча қиймат яратишда муҳим аҳамият касб этади.



Қарши туманларидаги саноат зоналарида фойдаланилмай келинган 100 гектар ерни тадбиркорларга хатлаб бериш, унга 300 млн. доллар инвестиция киритиш 3,5 мингта иш ўрни яратишга асос бўлиши бўйича топширилди.

Бугун дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи долзарблигича қолаётгани нуктаи назардан, гулг. суг ва мева-сабзавотни қайта ишлаш бўйича 50 млн. долларлик лойиҳани ишлаб чиқаришда қўшимча қиймат яратишга асос бўлиши бўйича топширилди.

Шунингдек, вилоятга автотранспортда келишни қулайлаштириш мақсадида Тахтакорча довонидан ўтиш талаблари енгиллаштирилди. Келгуси йилда довонда янги туннель ва йўл қуриш лойиҳаси бошланади. Самарқанд билан Шаҳрисабзни боғловчи 30 километр йўл ҳамда Фузор — Бухоро йўлининг 100 километр қисми таъмирланади.

Мухтасар айтганда, ташриф давомида кенг қўламли истиқболли қўшма ва маҳаллий лойиҳаларга шарт берилиши, сармоялар ажратилиши вилоятда индустриал саноат ва қишлоқ ҳўжалиги, тиббиёт, таълим, фан ҳамда тадбиркорлик самарали ўсишига замин бўлиб хизмат қилади.

Қарши туманларидаги саноат зоналарида фойдаланилмай келинган 100 гектар ерни тадбиркорларга хатлаб бериш, унга 300 млн. доллар инвестиция киритиш 3,5 мингта иш ўрни яратишга асос бўлиши бўйича топширилди.

Бугун дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи долзарблигича қолаётгани нуктаи назардан, гулг. суг ва мева-сабзавотни қайта ишлаш бўйича 50 млн. долларлик лойиҳани ишлаб чиқаришда қўшимча қиймат яратишга асос бўлиши бўйича топширилди.

Шунингдек, вилоятга автотранспортда келишни қулайлаштириш мақсадида Тахтакорча довонидан ўтиш талаблари енгиллаштирилди. Келгуси йилда довонда янги туннель ва йўл қуриш лойиҳаси бошланади. Самарқанд билан Шаҳрисабзни боғловчи 30 километр йўл ҳамда Фузор — Бухоро йўлининг 100 километр қисми таъмирланади.

Мухтасар айтганда, ташриф давомида кенг қўламли истиқболли қўшма ва маҳаллий лойиҳаларга шарт берилиши, сармоялар ажратилиши вилоятда индустриал саноат ва қишлоқ ҳўжалиги, тиббиёт, таълим, фан ҳамда тадбиркорлик самарали ўсишига замин бўлиб хизмат қилади.

Қўнғиротбой ШАРИПОВ, Ташкент давлат иқтисодий университети ректори.

Йўл ҳаракати: ХАВФСИЗЛИК КАФОЛАТИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракати иштирокчиларини турли бахтсиз ҳодисалардан асраш, уларнинг ўзи манзилларига эсон-омон етиб боришларини кафолатлаш нафақат мамлакатимизда, балки глобал миқёсда ҳам долзарб муаммолардан саналади. Шу боис ушбу масалага жиддий ёндашилган ҳолда, мамлакатимизда бугунги кунда тизимли ишлар олиб бориляпти.

Мушоҳада

Энг аввало, жамоат транспортини ривожлантириш мақсадида катор йирик лойиҳалар реаллаштирилиши борасида 2022 — 2023 йилларда пойтахтимиз учун 200 та ўрта сифимли, 190 та катта сифимли автобус ҳамда кўпбаҳоли электротробуслар харид қилинди. Бунинг натижасида 2022 йилдаги нисбатан ҳозирги кунда жамоат транспортини ҳаракат таркибининг сонини 31 фоизга ва автобусларнинг кунлик қатновлар сонини 69 фоизга оширишга эришилди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда йўллардаги тирбандликлар борган сари оддий ҳолга айланиб бормоқда. Наҳақда фуқаролар икки-уч йил аввалгига қараганда кўп баробар кўп вақтини йўлда ўтказмоқда. Базинда шундай бўладими, тирбандликларда транспорт оқимининг ўртача тезлиги соатига 7 километрга тушади.

Бу борадаги мавжуд муаммони бартараф этиш мақсадида жорий йилда Ташкент шаҳрида автобуслар учун 186,6 км. алоҳида йўлақлар ажратилди. Ҳозирги кунда бу кўрсаткич 48,2 км.ни ташкил қилмоқда. Бу, ўз навбатида, автобусларнинг мунтазам ва бир маромда ҳаракатланиши таъминламоқда.

Ташкент метрополитени ривожлантириш борасида ҳам сезиларли ишлар қилинганлиги қайд этиш жоиз. Хусусан, 2016 йилда давлатимиз раҳбари томонидан метро қурилишини давом эттиришга қаратилган қатор қарорлар имзоланди. Ушбу ҳужжатларнинг ижроси доирасида эса Юнусобод метро линиясининг 2,9 км. узунлигидаги “Туркистон” ва “Юнусобод” станциялари қурилди. 2020 йил декабрь ойида 7 км. узунлигидаги янги Сергели метро линиясининг 5 та станцияси қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари, ўтган даврда 15 та янги метро поезди харид қилинди ва эски вагонлар қайта таъмирланди. Келгуси 2024 йилда эса қўшимча 40 та янги метро поезди сотиб олинishi режалаштирилган. Мамлакатимизда ёши улғун инсонларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу боис нафақа ёшдаги кексаларга жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб метрополитендан фойдаланиш учун бепул хизмат қўрсатишмоқда.

Яна бир масала — йўл ҳаракати иштирокчилари, яъни пиёда ва йўловчиларнинг хавфсиз-

лиги бугунги кунда жуда долзарб. Шу боис бу борада аниқ чора-тадбирлар йўлга қўйилмоқда. Жумладан, Президентининг 2022 йил 12 июлдаги қарори билан тасдиқланган 2022 — 2026 йиллар давомида амалга оширилиши мўлжалланган “Хавфсиз ва равон йўл” умумий миллий дастури доирасида муайян ишлар бажаришмоқда. Мисол учун, янги йўл белгилари ўрнатилиб, ярқоқ соҳлага келганлари эса таъмирланди. Мактаблар олдига тезлик чекловчи йўл белгилари ўрнатилди, янги светофор объекти қурилиб, ярқоқ соҳлага келганлари реконструкция қилинди. Пйёдалар светофори объекти борасида ҳам шу гапни айтиш мумкин, тротуар ва велосипед йўлаклари қурилди.

Шу билан бирга, 2023 йилдан бошлаб “Диққат пиёда” профилактик тадбири Тошкент шаҳри доирасида 12 туман кесимида ўтказилмоқда.

Сир эмаски, йўллар инфра-тузилмасининг талабга жавоб бериши қўллаб-қувватлаш ҳодисаларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳозирда йўл инфра-тузилмасини комплекс тақомиллаштиришга жиддий эътибор қаратишмоқда. Уни ривожлантиришнинг муҳим йўналиши, шубҳасиз, модернизация ва янги технологияларни жорий этиш саналади. Яъни тезлик ва ҳаракатини назорат қилиш тизимларидан фойдаланиш, видеокузатувни ўрнатиш, электрон тўловларни йиғиш тизимини ривожлантириш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳамда самардорлигини оширадиган бошқа ечимларни топиш мавжуд муаммоларни бартараф этишда аини муҳимдир.

Албатта, тизимда амалга ошириладиган ишлар талайгина. Бу чора-тадбирларнинг барчаси йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракати қатнашчилари учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган билан эътиборга молик. Нега деганда, улар йўлларда бахтсиз ҳодисалар, жараҳатларнинг олдини олиб, одамларнинг ҳаётини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Қўзланган мақсадларга эришиш учун эса ўзаро ҳамкорлик муҳим ва зарурдир. Чунки йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва йўл инфра-тузилмасини ривожлантириш соҳасидаги вазиятни яхшилаш доимий ва кўп қиррали жараён бўлиб, давлат органлари, жамоатчилик ҳамда бошқа манфаъадор томонларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини талаб қилади.

Қўнғиротбой ШАРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масаласи раиси ўринбосари.

Акс садо

Шу йил 24-25 октябрь кунлари Президент Шавкат Мирзиёев Қашқадар вилоятида таширида саноат корхоналари, тиббиёт муассасалари, маҳаллалар фаолияти билан танишиш баробарида, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича йил якунига ва келгуси йилда амалга ошириладиган ишларни сарҳисоб қилди.

Статистик маълумотларга эътибор қаратсак, Қашқадарё аҳоли сони бўйича Фарғона ва Самарқанд вилоятларидан кейинги ўринни эгаллаб, бу кўрсаткич республика аҳолисининг 10 фоизига тўри келади. Ўзбекистон нуфуси ўртача йилга 1,8 фоиздан ортиқ қўлаётган бўлса, вилоятда бу кўрсаткич 2,2 фоиздан кўпроқни ташкил қилмоқда. Вилоятда ишсизлик даражаси 5,4 фоизга тўри келади ва бу мамлакат ўртача кўрсаткичидан 5,2 фоиз юқори.

Ташрифта давлатимиз раҳбари ана шу муаммоларга алоҳида эътибор қаратиб, “Sulpton Tex Group” кластерининг тўқимачилик корхонаси фаолиятини яқиндан ўрганди. Мазкур корхона умумий қиймати 8 млн. 200 минг долларлик лойиҳа эвазига ўтган йили ишга туширилган бўлиб, йилга 5 млн. донга тўқув-трикотаж қийматлари ишлаб чиқаришга мўлжаллаб қурилган. Ушбу кластер ҳалқаро бозорларга ўз бренди остида, хусусан, АКШ, Канада, Польша, Сингапур, Россия каби давлатларга экспортни амалга оширмоқда.

Аёнки, илгари ўзимизда етиштирилган

пахта хомашёси четга сотилар, тайёр маҳсулот сифатида ўзимизга импорт қилинарди. Шу боис ҳудудларда ишсизлик даражаси охиб кетиб, кўплаб юртдошларимиз чет элга иш излаб кетишга, оиласини йиллаб кўрмаслига мажбур эди.

Сўнги беш йилликда кластер тизимлари ўзимизда етиштирилган пахта хомашёсидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш эвазига минглаб иш ўринлари яратилмоқда. Президентимиз ташриф буюрган кластерда пахта экиб етиштиришдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараён тизимли технологиялар асосида йўлга қўйилган ва 3 минг нафар маҳаллий аҳолига янги иш ўрни очишга мўваффақ бўлган.

Ўзингиз йўланг, давлат берган имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда ҳар бир туманда ана шундай янги кластерлар ташкил қилинса Хитойни ҳам орта қолдириб жаҳон бозорига хариддорларимизни тез топиш ва етарли қўшимча қиймат яратиш ҳеч гап эмас экан. Агар Қашқадарёда пахта етиштириш бошқа вилоятларга нисбатан юқорилиги ҳисобга олинса, уни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотга айлантириш орқали қўшимча қиймат яратиш мумкин. Бунга “Sulpton Tex Group” кластеридан ташқари “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастури асосида “Султон стайлз” корхонасида амалга ошириладиган қўламли ишлар мисол.

Истиқболли лойиҳаларни тезкор таҳлил қилиш ва уни мутахассислар билан таъминлаш мақсадида амалий мономарказ ташкил этилган, ишсиз аҳолини тўқимачилик касбига ўргатиш бўйича икки босқичли ўқувлар амалга

оширилмоқда. Айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва улар касбий малака ҳосил қилиши учун барча шарт-шароит яратилаётди.

Йўлаймики, Қашқадарёдаги хомашёдан имконият даражасида оқилона фойдаланилса, индустриал ҳудуд сифатида ишсизлик ўсишининг нафақат олди олинади, балки ишсизликка барҳам бериш баробарида камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари самарали татбиқ қилинади, аҳоли фаровонлиги оширилади.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарёда келгуси йилга мўлжалланган инвестиция лойиҳалари тақдироти билан танишди, унда 2024 йил тўғриван-тўғри хорижий сармоя ва кредитлар эвазига жами 4 млрд. долларлик 36 та йирик лойиҳа, 656 млн. долларлик 114 та ҳудудий лойиҳа ҳаётга татбиқ қилиниши ва минглаб иш ўринлари яратилиши таъкидланди. Жумладан, нефть-газ, кимё, тўқимачилик, чарм-поябзал ва қурилиш саноати, туризм, қишлоқ ҳўжалиги тармоқлари ривожлантирилишига уруғ берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган йиғилишда туризм, қишлоқ ҳўжалиги ва тадбиркорлиқни ривожлантириш ҳақида сўз юритилиб, Деҳқонobod, Китоб ва

Ифтихор

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАНИНГ МУТЛАҚ ҒОЛИБИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги жамоаси Жанубий Кореяда илк бор ўтказилган халқаро илмий-жанговар тайёргарлик мусобақасида қатнашиб, энг юқори натижани қайд этди.

Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти томонидан маълум қилинишича, мазкур мусобақа давомида жанговар ҳаракатлар реалликка яқин бўлиши учун шахар ва тоғ ҳудудларида ташкил этилган амалий машғулотларда томонлар қарама-қарши куч сифатида “жанг” олиб борди. Унда, асосан, дунёнинг етакчи давлатларидан сараланган жамоалар иштирок этди.

Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги жамоаси пухта ва самарали ташкиллаштирилган тайёргарлик натижасида мусобақа мобайнида юксак даражадаги касбий ва руҳий жанговарлик ҳамда шахсий таркибининг жиқлигини ва ғалабага бўлган иштиёқини намоён этди.

НАТО стандартларига асосланган ушбу мусобақанинг 12 та беллашувида ўзбекистонлик ҳарбийлар 10 та ғалаба билан биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин эса АКШ ҳамда Корея Республикаси жамоаларига nasib этди — тўрттадан ғалаба.

Халқаро майдонда юртимиз байрогини баланд кўтарган ҳарбийларимиз Тошкент халқаро аэропортида тантанали равишда қутиб олинди.

«Халқ сўзи».

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллиги

ЖАҲОН ЭЪЗОЗИДАГИ ШОҲ ВА ШОИР

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигига бағишланган адабий-бадий кеча ўтказилди.

...Театр фойесида буюк шоҳ ва шоир асарлари, унинг ҳаёти ҳамда ижодига бағишланган китоблар, санъат асарлари кўргазмаси ташкил қилинган. Созандалар ансамбли мумтоз куйлардан намуналар ихро этиди.

Театрнинг томоша залида танлики давлат ва жамоат ар-боблари, ёзувчи-шоирлар, адабиётшунослар, профессор-ўқитувчилар, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари жам бўлди.

Саҳнада турли бежаклар воситасида ҳосил қилинган ўрта асрларга хос тарихий манзара томошабинни қўнча мозий сари етаклайди...

“Заҳириддин Муҳаммад Бобур” ҳужжатли фильм улкан салтанат тузган моҳир саркарда, айна пайтда ўзидан бебаҳо мерос қолдирган буюк шоирнинг дилбар шахси, машаққат ва синовларга тўла ҳаёти ҳақида хикоя қилди.

Улкан монитorda шоирнинг сурати ҳамда “Zahiriddin Muhammad Bobur 540” ёзуви акс этиб турибди.

Тадбирда сўзга чиққанлар

давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 25 январдаги “Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори маънавий-маърифий ҳаётимизда тарихий воқелик бўлиб, улғун аждодимизнинг илмий, ижодий меросини мамла-

катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Унинг асарлари хорижий тилларга таржима қилиняпти, мазмун-моҳияти ҳақида илмий мақолалар нашр этилмоқда, бадий асарлар яратилмоқда. Мониторда хорижий таниқли бобуршунос олимлар Билал Южел (Туркия) ва Элизабет Раганим (Италия) видео-тарбиклари намойиш қилинди.

— Мен Мирзо Бобур шахси-га нафақат улкан салтанат тузган моҳир саркарда, адолатпарвар шоҳ, балки буюк шоир, етук қомусий олим — тарихчи, адабиётшунос, тилшунос, географ, таржимон, фикшуннос сифатида юксак ҳурмат билан қарайман, — дейди Элизабет Раганим. — Шоирнинг салмоқли ижодий мероси — “Бобурнома”, “Мубаййин ал-закот”, “Мухтасар”, шунингдек, гарчи ҳанузгача топилмаган эса-да “Харб иши”, “Муסיқа илми” асарлари, икки девони, Ҳўжа Ахрорнинг “Волидун” асари таржимаси — бутун умри тинимсиз урушлар, ҳаловатсизлик, саргардонлик, хиёнатлар ичра кечганини ҳисобга олсак, бу инсоннинг нақадар тўғма истевдод соҳиб бўлганини, қомусий билимларини эгаллаганини англа-тади.

Бугунги Ўзбекистон, Афго-

ноистон, Ҳиндистон тарихини, географисини, давлатчилигини ўрганиш Мирзо Бобур асарларисиз кечиш қийин. Улғун шоҳ ҳаётининг солномаси ҳисобланган “Бобурнома”да XV асрнинг сўнги ва XVI асрнинг биринчи чоригада ўша даврдаги Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистонда рўй берган қизгин воқеалар баён этилган. Истеъдодли муаллиф воқеалар ривожини шунчалик тасвирлаб қолмай, ўзи гувоҳи бўлган ҳодисаларнинг сабаб ва оқибатларини, иштирокчиларнинг феъл-атвори ва фазилатларини, рўй берган ҳудуд табиати, иклими, меъморчилиги, одамларнинг тили, дини, урф-одатларини юксак бадий дид ҳамда маҳорат билан хикоя қилган. Бу унинг қанчалик инсон, синчков ва нозиктаъб заков бўлганини исботлайди.

Тадбирда Жамоат хавфсизлиги университети курсантларининг бадий чиқишлари намойиш этилди. Мирзо Бобур ижодидан намуналар ўқилди. Шoir ғазалларига басталанган қўшиқлар йиғилганларга хушқайфият бағишланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси — спичрайтер Хайридин Султонов қатнашди.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади:

I. Кафедра мудири:
Машинасозлик технологияси;
Мухандислик механикаси;
Энергетика;
Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаш;
Кимёвий технология.

II. Кафедралар профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистентлигига:
Кончилик иши: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
Ноёб ва радиактив металл рудаларини қазих ва қайта ишлаш: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
Кончилик электр механикаси: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

Ўзбек ва чет тиллар: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
Агрономия: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.
Машинасозлик технологияси: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
Мухандислик механикаси: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
Электр энергетикаси: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
Энергетика: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
Умумий физика: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
Автоматлаштириш ва бошқарув: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
Метрология, стандартлаштириш ва

сертификатлаш: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин.
Ижтимоий-гуманитар фанлар: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
Олий математика ва ахборот технологиялари: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
Металлургия: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин.
Иқтисодий ва менежмент: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
Кимёвий технология: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши шарт:

ректор номига ариза;
кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (Сўровнома);
маълумотнома;
олий маълумот тўғрисида диплом;
илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар, ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, уларга тегишли дипломлар, аттестатлар;
илмий-услубий ишлар;
малака ошириш тўғрисида гувоҳномалар; паспорт нусхаси.

Изоҳ: ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мuddатда қабул қилинади.
Манзил: Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳқўчаси, Навоий давлат кончиликл ва технологиялар университети, ўқув-услубий бошқарма.
Мурожаат учун телефон: 79-223-57-33.

ЭЪЛОН

Табий газнинг ички тармоқ бўйича янги тарифи тасдиқланди

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 15 сентябрдаги 475-сонли “Ўқилги-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан республика яқуний истеъмолчилари учун 2023 йил 1 октябрдан бошлаб ёқилги-энергетика ресурсларининг, шу жумладан, табиий газнинг янги тарифлари тасдиқланди, унга кўра, аҳоли учун тарифнинг миқдори ўзгаришсиз қолди.

Бундан ташқари, мазкур қарорда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси томонидан табиий газ ишлаб чиқарувчиларнинг ички тармоқ бўйича янги тарифлари тасдиқланishi кўзда тутилган бўлиб, мазкур тарифларнинг ўзгариши яқуний истеъмолчилар, жумладан, аҳоли учун табиий газ ва электр энергияси тарифларига таъсир ўтказмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссиясининг қарорига мувофиқ “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти ва “Шўртан газ-кимё мажмуаси” масъулияти чекланган жамияти томонидан республика ичида сотиладиган табиий газ тарифининг янги миқдори тасдиқланди.

Унга асосан “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан сотиладиган табиий газнинг 1 минг куб метри учун тарифи қўшилган қиймат солигини ҳисобга олган ҳолда қуйидагича миқдорларни ташкил қилади:
• “Sho’rtan GKM” МЧЖ учун 320 000 сўм;
• “Uzbekistan GTL” МЧЖ учун 23,5312 АҚШ доллари;
• “UzGasTrade” АЖ учун 450 000 сўм.
Шунингдек, “Sho’rtan GKM” МЧЖ томонидан “Uzbekistan GTL” МЧЖ ва “UzGasTrade” АЖ учун сотиладиган табиий газнинг 1 минг куб метри учун тарифи қўшилган қиймат солигини ҳисобга олган ҳолда мос равишда 23,5312 АҚШ доллари ва 450 000 сўмини ташкил қилади.

Бунда Ўзбекистон Республикасининг “Ракобат тўғрисида” Қонунига мувофиқ мазкур янги тарифлар расмий эълон қилинган санадан эътиборан 15 кун ўтгач, яъни жорий йил 14 ноябрдан бошлаб қўлдан чиқарилади.

«Ўзбекнефтгаз» АЖ Ахборот хизмати.

Mas’uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi “XT Xarid Texnologiyalari” qo’shma



МУЗАФФАР СПОРТЧИЛАРИМИЗ ЭЛУ ЮРТИМИЗ АРДОҒИДА



Hangzhou 2022
Asian Para Games

11 Маросимда таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда имконияти чекланган инсонларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўзларига мос ва қулай касбларни эгаллашлари, қисқача айтганда, ҳаётда муносиб ўрин топишлари учун кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилди.

Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги эзгу ишларда дастуриламал бўлмоқда.

2017 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши инсонларнинг ногиронлиги бўлган шахсларга муносабатини

11 тури бўйича Ватанимиз шарафини ҳимоя қилди. Беллашувлар давомида 200 дан ортиқ рекордлар ўрнатилди. Улар орасида Ўзбекистон вакиллари ҳам борлиги бизга чексиз гурур бағишлайди.

Хотин-қизлар ўртасида Нурхон Курбонова F54 йўналишида найза улоқтириш бўйича Параосиё ўйинлари рекордини янгилади ва олтин медалга сазовор бўлди. Бундан ташқари, у мазкур йўналишда ядро улоқтириш мусобақасида кумуш медаль соҳибаси бўлди.

Хусусан, эркалар ўртасида F41 йўналишида ядро улоқтириш баҳсларида иштирок этган ҳамюртимиз Бобур Омонов 13,14 метр натижа билан Параосиё ўйинлари рекордини ўрнатди ва олтин медални қўлга киритди.



ўзгартириш, жамиятда уларнинг тўлиқ ва тенг ҳуқуқли иштирокини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кўрсатилган бекиёс ғамхўрлик ва қўллаб-қувватлаш ўзбекистонлик имконияти чекланган спортчиларнинг натижаларида ҳам акс этмоқда.

Шу маънода ҳам 2021 йилнинг 24 август — 5 сентябрь кунлари Япония пойтахти Токио шаҳрида XVI ёзи Паралимпия ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар юксак матонат, жасорат ва маҳорат кўрсатиб, 8 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза — жами 19 та медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида 160 дан зиёд давлатлар ўртасида ўн олтинчи ўринни эгаллади. Бу муваффақиятларнинг замирида ёшлар тарбиясига давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилган эътибор, шу билан бирга, Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси томонидан барча шарт-шароит муҳайё қилинган муҳассамдир.

IV Параосиё ўйинларида 3500 нафардан ортиқ спортчилар 22 спорт тури бўйича нафақат совринли ўринлар, балки келгуси йил Парижда бўладиган Паралимпия ўйинлари йўлланмалари учун ҳам мurosасиз беллашди. Ана шундай кескин баҳсларида 100 нафар ҳамюртимиз спортнинг

шида диск улоқтириш беллашувида олтин, ядро улоқтириш мусобақасида эса бронза медални қўлга киритди.

Маҳоратли спортчимиз Дониёржон Аҳмедов T13 йўналишида узунликка сакраш баҳсларида олтин, 100 метрга югуриш беллашувида эса бронза медални қўлга киритди.

Ёқутхон Холбекова эса T11/12 йўналишида узунликка сакраш ва 400 метрга югуриш беллашувида кучли учликдан жой олди.

Умидли вақилимиз Шаҳинахон Йўлғалиева найза улоқтириш баҳсларининг F46 йўналишида 40,90 метр натижа билан барча рақибларини ортада қолдирди. Спортчимиз эндигина 15 ёшга тўлган. Эътиборли жиҳати, у мусобақанинг энг ёш чемпиони сифатида тарихга кирди.

Шунингдек, параенгил атлетика баҳсларининг турли йўналишларида София Бурхонава, Дониёр Солиев, Муҳаммад Рихсимов, Омадбек Ҳасанов, Кубаро Ҳакимов, Қудратиллохон Маъруфхўжаев — олтин, Наталья Семёнова, Ёркинбек Одилов, Темурубек Ғиёсов, Иззат Турғунов, Нозимахон Қаюмова, Элбек Султонов, Толиббой Йўлдошев — кумуш, Урғунбек Эгамназаров, Хусниддин Норбеков, Шаҳнозахон Адхамова,



Мадина Мухторова эса бронза медалларини қўлга киритди.

Парадзюдо беллашувида Кемран Нуриллов — олтин, Шерзод Намозов, Феруз Саидов, Алоқиддин Жўрақулов, Хосиятхон Позилжонова, Феруза Эргашева, Муниса Мадримова — кумуш, Учқун Куронбоев, Улжон Амриева, Фотима Тоирова, Лобар Хуррамова ва Кумуш Ҳўжаева бронза медаллари соҳибаси бўлди.

Паравелоспортчилар пойғасида Голиббек Мирзаёров кумуш, Азимбек Абдуллаев ва Боймурод Ёвқочев бронза медалларини қўлга киритди.

Парапауэрлифтинг бўйича Фарход Умрзоқов, Муслима Нуриддинова, Қудратой Тошпўлатова кумуш, Бекзод Жамиллов бронза медалларига сазовор бўлди.

Парасузишнинг турли йўналишларида Музаффар Турсунхўжаев бир олтин, икки кумуш, Ислоҳ Аслонов бир олтин, бир кумуш, Кирилл Паньков бир олтин, икки бронза, Дмитрий Хорлин олтин, Фирдавс Мусабоев икки бронза ҳамда Азизбек Бойназаров бир бронза медалига эгалик қилди.

Паратаэквондо мусобақасида Гулжаной Наимова — олтин, Зиёда Исоқова — кумуш, Санжар Мухторов, Қудрат Ҳайдаров, Жавоҳир Алиқулов, Асад Тоштемиров, Асад Анваров бронза медалларига сазовор бўлди.

Академик эшак эшиш мусобақасининг турли йўналишларида Холмурод Эгамбердиев олтин, Отабек Қўчқоров ва Гулчирай Эсанбоева жуплиги кумуш медалга сазовор бўлди. Шунингдек, Мухайё Абдусатторова ҳамда Амалибек Мустафоқулов, Қудратилла Ҳиббуллаев, Абдумутал Абдурахмонов, Гулзода Шотанова, Диёра Додоевадан иборат терма жамоамиз бронза медалга эгалик қилди.



100 нафар атлет Хитойда ўтказилган IV Параосиё ўйинларида Ўзбекистон номидан иштирок этди.

Спорт турлари	Олтин	Кумуш	Бронза
Параенгил атлетика	12	8	10
Параканоз	6		
Парасузиш	4	4	5
Парадзюдо	1	6	5
Паратаэквондо	1	1	5
Параакадемик эшак эшиш	1	1	2
Парапауэрлифтинг		3	1
Паравелоспорт		1	2
Жами	25	24	30



Эътироф

Тарек СУЭЙ, Осие Паралимпия қўмитаси бош ижрочи директори:

— Авваламбор, Ўзбекистон вакиллари IV Параосиё ўйинларида параспортнинг турли йўналишларида эришган юксак натижалари билан табриқлайман. Ўзбекистон Президенти жаноби олийларининг ушбу соҳани ривожлантириш йўлидаги улкан сазй-ҳаракатларидан жуда мамнуним. Ўзбек спортчилари эришган натижалар фахрлинишга арзийди. Ўзбекистон Япония, Эрон, Корея Республикаси ва Хиндистон каби давлатлар билан жиддий рақобатлашди ва сўнгги кунгача давом этган кескин курашда умумжамоа ҳисобида топ рўйхатдаги мавқеини сақлаб қолди.

Ильгар РАҒИМОВ, Халқаро кўзи оқизлар спорти федерацияси президенти:

— Юртингизда спортни ривожлантиришга, айниқса, паралимпияда берилган катта эътибордан хабардорман. Жаноб Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ушбу йўналишни ривожлантириш учун муҳим ҳужжатлар қабул қилинган. Мана шундай қўллаб-қувватлаш борлиги учун ҳам спортчиларининг натижалари жаҳон ареналарида кўзга яққол ташланмоқда. Мазкур мусобақаларда Ўзбекистон жамоасида кучли спортчилар йирилганига

Фазилдин АБИЛОВ («Халқ сўзи»).

Параканозчиларимизнинг жасорати



Параосиё ўйинлари дастурига илк бор киритилган параканоз беллашувида Ўзбекистон шарафини олти нафар спортчимиз ҳимоя қилди. Эътиборли жиҳати, яқунда барча спортчиларимиз олтин медалларга сазовор бўлди. Жумладан, хотин-қизлар ўртасида Шаҳзода Мамадалиева VL3, Ирода Рустамова VL2, Шаҳноза Мирзаева KL3, эркалар ўртасида Азизбек Абдулҳабибов VL2, Ҳасан Қўлдошев KL3, Хайитмурод Шерқўзиёв VL3 йўналишида энг яхши натижа кўрсатиб, беллашувларда тенгсизлигини исботлади. Шаҳзода Мамадалиева бундай нуфузли мусобақада илк бор

иштирок этаётганига қарамай, IV Параосиё ўйинларида Ўзбекистон делегациясига илк медални тақдим этган спортчи сифатида тарихга кирди. Қувонарли жиҳати, ўзбекистонлик параканозчилар ушбу натижалари билан умумжамоа ҳисобида Хитой ҳамда Эрон вакиллари ортада қолдириб, Осие мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллашди. — Мана шундай катта муваффақиятларимизнинг асоси давлатимиз ва Президентимизнинг бизга яратиб бераётган шароитлари деб биламан, — дейди мусобақа ғолиби Шаҳноза Мирзаева. — Биз юз фоизлик

натижага эришганимиздан жуда хурсандимиз. Бизни олқишлаб, далда берган барчага миннатдорлик билдираман. Ҳозирги кунда кўплаб спорт турларида хитойликлар етакчи ҳисобланади. Бизнинг спортда — параканозда Ўзбекистон етакчи. Бу бизга гурур бағишлайди. Кўплаб давлатлардан келган спортчилар Ўзбекистонга келишни, биз билан машгулотлар ўтатиши истаётганини айтишди. Бу мусобақа бизга кўп нарса берди — энг муҳими, одам ўзига ишончи керак. Келгуси йил Парижда бўладиган Паралимпия ўйинларида ҳам шундай натижага эришамиз, деб ўйлайман.

Фазилдин АБИЛОВ («Халқ сўзи»).

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1041. 32 669 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоқи келишилган нарҳда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.



Таҳририятга келган қўлабмақал тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — З. Худойкуров.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.10 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6